



БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

Қодиров Р.К.

*Сурхондарё вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш
миллий маркази*

Таянч сўзлар: танқидий фикрлаш, дидактик жараён, бошқариш, таълим ғоялари, метод.

Ключевые слова: критическое мышление, дидактический процесс, менеджмент, образовательные идеи, метод.

Key words: critical thinking, didactic process, management, educational ideas, method.

Танқидий фикрлаш қизиқувчанликни намоён этиш ва тадқиқот усулларидан фойдаланишни англатади. Танқидий фикрлаш маълум бир масала бўйича нуқтаи назарни ишлаб чиқиш ва мантиқий далиллар билан ушбу нуқтаи назарни ҳимоя қилишни кўзда тутаяди. Танқидий фикрлашга эга бўлар экан, инсон у ёки бу ғоялар билан танишади ва уларни амалга ошириш бўйича мумкин бўлган оқибатларни кўриб чиқаяди. Танқидий фикрлаш асосида анъанавий билиш жараёни индивидуалликка эга бўлади ва англаб етилган, узлуксиз ва маҳсулдор бўлади.

Ўқувчилар танқидий фикрлашни шакллантиришга бағишланган адабиётларнинг назарий таҳлили шундан гувоҳлик берадики, педагогика фани услубчилари ва арбоблари қарашларида унинг кўпгина жиҳатлари, жумладан, таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлашлари моҳиятини тушунишда ҳозирча яқдиллик йўқ. Шунингдек, уларда муаммо моҳиятни талқин қилиш деталларида турличадир.

Таълим олувчида танқидий фикрлашни ривожлантириш вазиятни баҳолаш, асосланган қарорларни қабул қилиш, ўзгараётган мураккаб ҳаётнинг мазмунини тушуниб етиш, шахсни ўсиши учун шароитлар яратишга имкон беради. Танқидий фикрлашни ривожлантиришга имкон берувчи ме-



тодик воситалар кўпдир. Уларнинг кўпчилиги ўқитувчи томонидан ўқув машғулотларида инновацион ўқитиш методлари шаклида қўлланилади. Улардан тизимли ва мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бунда ўқитувчининг вазифаси таълим олувчига нисбатан фаолият олиб бориши ва унинг эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Ўқитувчи таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятини ташкил этиши лозим. Таълим олувчи ғояларни бериши, мустақил ёки кичик гуруҳ таркиби фаолиятига баҳо бериши лозим. Инновацион ўқитиш методининг норматив ўқитиш методидан асосий фарқи шундаки, у шахснинг барча салоҳиятли қобилиятларини ривожлантиради. Бунда норматив ўқитиш методи ҳам инновацион ўқитиш методи ҳам келажакка турлича қарашини таъкидлаш лозим.

Таълим олувчиларда танқидий фикрлашни ривожлантириш учун қуйидаги шарт-шароитлар зарурдир:

- танқидий фикрлаш бўйича тажрибаларга эга бўлиш учун вақт ва имконият;
- ўқув жараёнида таълим олувчиларнинг фаоллигига кўмаклашиш;
- турли хил ғоя ва фикрларни қабул қилиш;
- кулгили ҳолатга тушмаслиги тўғрисида талабаларни ишонтириш;
- ҳар бир ўқувчи танқидий фикрлашга қодир эканлиги тўғрисидаги ғояни сингдириш;
- танқидий фикрлаш кўринишларини қўллаб-қувватлаш.

Танқидий фикрлашни шакллантирувчи воситалар ўқув жараёнидаги ҳар бир босқичнинг аниқ мақсадларини ҳисобга олган ҳолда танлов амалга оширилгандагина тизим сифатида юзага келади ва улар бирликда бошланғич синф ўқувчилари танқидий фикрлашининг ҳар бир компоненти таъсир этади. Танқидий фикрлаш мазмуни уч ташқи омиллар: объекти, мақсади, дидактик асослар ривожланишининг қонуниятлари орқали боғланади. Бошланғич синф ўқувчилари танқидий фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асоси деганда нимани тушуниш керак? Биз бу тушунчани қуйидагича англаймиз:

1. Танқидий фикрлаш мақсадларини асослаш.
2. Бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлаши мазмунини илмий ишлаб чиқиш.
3. Дарс мотивларини шакллантиришни илмий ишлаб чиқиш.
4. Ўқувчилар танқидий фикрлашининг илмий асосланган ва амалий қўлланувчи шакллари ишлаб чиқиш.



5. Дарс методларини илмий ишлаб чиқиш, яъни танқидий фикрлашни шакллантириш усуллари тизимлари ва ўқувчиларга дарс бериш методларини илмий ишлаб чиқиш.

6. Ўқувчилар танқидий фикрлашни шакллантириш воситалари тизими – дарсликлар, дидактик материаллар, кўргазмали қуроллар ва техник воситаларни ишлаб чиқиш.

7. Бошланғич синф ўқувчилари танқидий фикрлашни ташкил этиш ва бошқаришни илмий ишлаб чиқиш.

Бошланғич синф ўқувчилари танқидий фикрлашни шакллантириш анча мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. У ўқитувчи билан ўқувчининг биргаликдаги ишида шаклланади. Шу асосда, танқидий фикрлаш асосида бошланғич синф ўқувчилари танқидий фикрлашни шакллантиришнинг барча муҳим компонентларини (мақсад, мазмун, шакллар, метод ва усуллар, восита ва мотивлар) биргаликда кўриб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Хулоса, ўқувчиларнинг фаол танқидий фикрлашни шакллантиришнинг мотивлари, методлари ва ташкилий воситаларини таъминлаш уни инсон тараққиётининг турли ёш босқичларида чуқур тадқиқ этиш заруриятини талаб этади.

Адабиётлар:

1. Балтаева А.Т. Ўқувчиларда танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантиришда саволларнинг аҳамияти. //«Бошланғич таълимни компетенциявий ташкил этиш: назария ва амалиёт» мавзусида онлайн халқаро илмий-назарий анжуман. – Нукус: – 2020. –Б.300–302.

2. Ходжаева Ф.О. Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиш ва унинг муҳим жиҳатлари. /"Замонавий таълим" журнали/, 2017 йил, № 6, 43-47 б.

3. Ҳасанова А. Ўқувчи ёшлар тарбиясида рағбатлантириш ва танбеҳ мезони. – Т.: «Ўзбекистон», 1980.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларнинг танқидий фикрлашни ташкил этиш ва бошқариш, унинг дидактик жараёни ҳақида назарий маълумотлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены теоретические сведения об организации и управлении критическим мышлением младших школьников и его дидактическом процессе.

SUMMARY

The article describes theoretical information about the organization and management of primary school students' critical thinking and its didactic process.